

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.05.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСОМИДДИНОВ ЗОКИРЖОН ЖАЛОЛДИНОВИЧ

**СУР ТУСЛИ ҚЎНФИР ТУПРОҚЛАР ВА ПИЁЗ (Allium сепа L.) НИНГ
БИОГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological
sciences**

Исомиддинов Зокиржон Жалолдинович

Сур тусли қўнғир тупроқлар ва пиёз (Allium cepa L.) нинг биогеокимёвий
хусусиятлари 3

Исомиддинов Зокиржон Жалолдинович

Биогеохимические особенности серо-бурые почвы и лука (Allium cepa L.) 21

Isomiddinov Zokirjon Jaloldinovich

Biogeochemical features of gray-brown soils and onions (Allium cepa L.)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСОМИДДИНОВ ЗОКИРЖОН ЖАЛОЛДИНОВИЧ

**СУР ТУСЛИ ҚҮНГИР ТУПРОҚЛАР ВА ПИЁЗ (Allium cepa L.)
НИНГ БИОГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/B706 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-тълим портала (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исағалиев Муроджон Тўйчибоевич
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раупова Нодира Баҳромовна
биология фанлари доктори, доцент
Артикова Ҳафиза Тўймуродовна
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистан давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил «30 » 08 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-үй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; E-mail: fardu_info@mail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (178-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-үй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «17 » 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «17 » 08 даги № 8 -рақами реестр баённомаси).



Илмий даражада берувчи илмий кенгаш
расиен, к.х.ф.д., профессор

Ғ.Юлдашев

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

У.Б.Мирзаев

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

З.А.Жаббаров

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар мажлиси расиен,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Бугунги кунда «сабзавот экинлари орасида етишириш бўйича помидор ва карамдан сўнг дунёдаги етакчи ўринни пиёз эгаллаб, 4,444 млн. гектар майдонга экилиб, 85,795 млн. тонна маҳсулот олиниб, ўртacha ҳосилдорлик 19,31 т/га ни ташкил этмоқда»¹. «Ўзбекистонда эса ҳозирги кунда пиёз 24 минг гектар майдонда етиширилиб, ундан олинадиган ялпи ҳосил 0,6 миллион тоннани, ўртacha ҳосилдорлик гектаридан 25 тоннани ташкил этмоқда»² ва бу суғориладиган ерлар ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли арид минтақаларда суғориладиган тупроқлар унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи эрозия, дегумификация, шўрланиш жараёнларини олдини олиш, геокимёвий хусусиятларини аниқлаш асосида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, муҳофаза қилиш ҳамда пиёз етиширишда кимёвий элементларнинг биогеокимёвий аккумуляция ва миграциясини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунёда суғориладиган тупроқларда кимёвий элементлар баланси муаммоларини атроф-муҳит хавфсизлиги нуқтаи назаридан дехқончилик таъсирида ўзгаришини аниқлаш, салбий оқибатларини бартараф этиш, кимёвий элементларнинг микдорлари, сифати ҳамда токсикологияси бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тупроқларнинг антропоген омил таъсирида экологик-мелиоратив ҳолати, геокимёвий, биогеокимёвий хусусиятлари ўзгаришини аниқлаш, тупроқ унумдорлигидаги аҳамиятини ва экологик ҳолатини баҳолаш, экологик тоза сабзавот маҳсулотларини етишириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз чўл минтақаси суғориладиган тупроқларида кечётган геокимёвий, биогеокимёвий жараёнларни аниқлаш, экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш, ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам Сўх конус ёйилмасида шаклланган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг биогеокимёвий хусусиятларини қалқинди – тупроқ – пиёз ўсимлиги тизимида ўзгаришларини таҳлил этиш, макро-, микро- ва ультрамикроэлементлар микдори, сифати ҳамда геокимёвий хусусиятларини,

¹ <https://www.fao.org>.

² Мирзасолиев М.М. Пиёзни (*Allium сера L.*) кўчатидан такрорий экин сифатида етишириш технологияси элементларини ишлаб чиқиши. Автореф. дисс. Т., 2020. 5 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тупроқ унумдорлик даражасини сугориш таъсирида ўзгаришини аниқлаш мухим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги ПФ-5742-сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўл минтақаси сугориладиган тупроқларининг антропоген омиллар таъсиридаги физик, кимёвий ва экологик-мелиоратив ҳолатлари, бонитет баллари, сугориш суви таъсирида кольматажланиши, геокимёвий барьер ва провинциялари, макро- ва микроэлементлар ҳаракати, аккумуляцияси, қатор элементлар учун руҳсат этилган чегаравий улуши, концентрация кларки, ифлосланиши ва улардан фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар А.Перельман, М.Глазовская, В.Ковда, Д.Орлов, В.Петросян, В.Ковальский, V.Goldschmidt, A.Kabata-Pendias, Р.Қўзиев, Т.Абдрахмонов, А.Исманов, Н.Абдурахмонов, F.Юлдашев, М.Исағалиев, Г.Сотиболдиева ва бошқа кўплаб хорижлик ва республика олимлари томонидан олиб борилган. Шунингдек, турли минтақаларда пиёзни етишириш агротехнологияси, кимёвий таркиби, биокимёвий хусусиятлари, экологик ҳолати тупроқ-ўсимлик тизимида S.Fait, M.Bedassa, A.Abebaw, M.N.Yousuf, Y.Yahaya, U.Birnin Yauri, Awatef G. Behairy, T.Остонақулов, О.Қодирхўжаев, М.Мирзасолиев, Р.Эшанкулова ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар ўтказилган. Лекин, Сўх дарёси суви қалқиндиси, турлича маданийлашган сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари ва пиёз ўсимлиги тизимида бир қатор макро-микро ва ультрамикроэлементлар миқдори, сифати, геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари, провинциялари бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФСХ-7-011 «Фарғона водийси тупроқларининг унумдорлиги ва уни ошириш муаммолари» (2013-2018 йй.) фундаментал тадқиқотлари ҳамда «Фарғона водийсида тупроқ геокимёсининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиши» (2018-2023 йй.) мавзусидаги халқаро шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар унумдорлиги, пиёз (*Allium сера L.*) ҳосилдорлиги, биогеокимёвий хусусиятлари, макро- ва микроэлементлар миқдори ва сифатига суғориш суви қалқиндинг таъсирини аниқлаш ва тупроқлардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳосил қилувчи омилларини тавсифлаш, морфологик белгилари, физик, кимёвий хосса ва хусусиятларини тадқиқ этиш;

суғориш суви қалқиндилари – сур тусли қўнғир тупроқ – пиёз ўсимлиги тизимида алоҳида макро, микро ва ультрамикроэлементлар миқдори ва сифатини ҳамда ортиқча ва етишмовчи тупроқ-геокимёвий ва биогеокимёвий провинцияларни аниқлаш;

суғориш суви қалқиндиси таркибидаги гумус, озиқа моддалар ва кимёвий элементлар миқдорлари, миграциясини аниқлаш;

эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида пиёзнинг биологик сингдириш коэффициентлари ва фаоллигини баҳолаш, етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

суғориш суви таъсиридаги сур тусли қўнғир тупроқларнинг геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг унумдорлигини ошириш, самарали фойдаланиш ва пиёз етиштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Сўх конус ёйилмаси чўл минтақасининг ҳар хил даражада маданийлашган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳамда пиёзнинг «*Manas F1*» дурагай нави танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфогенетик белгилари, геокимёвий хусусиятлари, тупроқ ва қалқиндиларнинг физикавий, кимёвий хоссалари, элемент таркиби, миграция провинциялари ва аккумуляция жараёнлари ҳамда пиёзнинг биологик сингдириш коэффициенти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тупроқ тадқиқотлари тупроқшуносликда қабул қилинган дала ва лаборатория тадқиқот усул ва услубиятлари асосида амалга оширилган, изланишларда морфогенетик, тупроқ-геокимёвий ёндашув, кимёвий-аналитик усулларидан кенг фойдаланилган, жумладан кимёвий таҳлиллар «Руководство по химическому анализу почв», тупроқ, қалқинди, пиёз ўсимлигининг элемент таҳлили нейтрон-активацион усулда, сингдирилган асослар Пфеффер усулида Т.П.Крюгер модификациясида бажарилган. Олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш маҳсус дастурда, расмлар ва графиклар Microsoft Excel дастурида ишланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг шаклланиши, хоссалари, унумдорлиги, геокимёвий хусусиятлари, элементлар такиби ва миқдорини суғориш суви қалқиндиси таъсирида ўзгариши исботланган;

эскидан ва янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфогенетик белгилари, физиковий, кимёвий ва биогеокимёвий хоссалари ҳамда геокимёвий провинциялари аниқланган;

сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда гумус, N, P, K, Mn, Na, Sm, Mo, Lu, U, Yb, Au, Nd, As, Ca, La, Ce, Se, Hg, Tb, Th, Cr, Hf, Ba, Sr, Cs, Ni, Sc, Rb, Zn, Co, Ta, Fe, Eu, Sb ва бошқа кимёвий элементларнинг микдорлари, биогеокимёвий хусусиятларини сугориш таъсирида эволюцион ўзгариши очиб берилган;

сур тусли қўнғир тупроқларни оғир металлар билан кучсиз ифлосланиши, унумдорлигини ва пиёз етиштиришда иқтисодий самарадорлигини ошириш Сўх дарёси сугориш сувларининг сув-миграцион-аккумулятив хусусияти билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли даражада маданийлашган сур тусли қўнғир тупроқлар ва сугориш суви қалқиндининг физик, кимёвий, геокимёвий хосса-хусусиятлари, сув билан келиб ётадиган озиқа ва кимёвий элементлар микдорлари, уларнинг миграция, аккумуляция коэффициентлари ишлаб чиқилган ҳамда пиёз ўсимлиги мисолида биологик сингдириш коэффициентлари ҳисобланган;

барий, суръма, мишъяқ, лантан, иттербийли ортиқча, марганец, бор, молибденли етишмовчи провинциялар аниқланган, сур тусли қўнғир тупроқларда минерал ўғитлардан дифференциал фойдаланиш, сугориш таъсирида тупроқларнинг геокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг унумдорлигини сақлаш, ошириш ва самарали фойдаланишга ҳамда пиёз етиштиришга қаратилган илмий асосланган тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларни дала, лаборатория ва камерал усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари вариацион-статистик таҳлили, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сугориш суви қалқиндиси таъсирида сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг шаклланиши, ривожланиш шароитлари ва геокимёвий хусусиятлари, физиковий, кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг ўзгариши, тупроқларда содир бўлаётган биогеокимёвий жараёнлар кўрсатиб берилганлиги, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти эскидан ва янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кимёвий элементларнинг микдорлари, улар учун ишланган коэффициентлардан тупроқ экологик-мелиоратив

тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигида пиёз етиштиришда суғориш суви қалқиндилари микдори, таркибига боғлиқ ҳолда минерал ва органик ўғитларни табақалашган ҳолда қўллаш бўйича чора-тадбирлар белгилашда асос сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ва пиёз (*Allium sera* L.) нинг биогеокимёвий хусусиятлари бўйича олинган илмий-амалий натижалар асосида:

суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида етиштирилайдиган ош пиёзниң навлари, кимёвий таркиби тавсифи, дориворлик хусусияти бўйича маълумотлар «Доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси» номли ўқув қўлланмага киритилган ва 5411100-Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси йўналиши талабалари учун ўқув жараёнига жорий қилинган (Гувоҳнома, №356/7-022). Натижада, сур тусли қўнғир тупроқлар шароитлари, етиштирилайдиган пиёз ўсимлигининг кимёвий элемент таркиби, биологияси, дориворлик хусусиятларини тавсифлашда қўлланма сифатида хизмат қиласди;

«Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда пиёз (*Allium sera* L.) етиштириш бўйича тавсиянома»си сабзавотчиликка ихтисосланган фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 07/33-04/2242-сонли маълумотномаси). Натижада, сур тусли қўнғир тупроқлар унумдорлигини саклаш ва ошириш, пиёздан юқори, сифатли экологик тоза ҳосил олишда мажмуавий агротехник, агрокимёвий ва мелиоратив тадбирлар тизимини амалга оширишда қўлланма сифатида хизмат қиласди;

Сўх дарёси суви билан ҳар бир суғориш жараёнида ўртача 2,21 г/л лойқа қалқинди, таркибидаги 1,544% гумус, 24 мг/кг ҳаракатчан фосфор ва 194 мг/кг калий келиб ётиши натижасида минерал ва органик ўғитларни тежаш бўйича маълумотлар Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани «Сабир Манзура Омад» ҳамда Бағдод тумани «Бу Ойиша» фермер хўжаликлирида жами 24,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 07/33-04/2242-сонли маълумотномаси). Натижада, сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида пиёз етиштиришда азотдан 80 кг/га, фосфордан 50 кг/га ва калийдан 100% тежалиб, мос ҳолда 40 ва 33 тонна ҳосил, ҳар тоннадан ўртача 463,2 минг сўм соф даромад олиниб, рентабеллик 51% ни ташкил қиласди;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосиий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмida тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ва усуслари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги қўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилиши ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сур тусли қўнғир тупроқлар ўрганилиши ва пиёзнинг кимёвий таҳлили бўйича адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда ва хорижда сур тусли қўнғир тупроқларнинг генезиси, хоссалари ва ишлаб чиқариш қобилияти ҳамда суғоришлиар таъсирида содир бўлаётган ўзгаришлиар бўйича тадқиқотлар натижалари танқидий, таҳлилий баён қилинган. Тупроқларда гумус, озиқа элементлари миқдорлари, ўзаро боғланишлиар, унумдорлигига ўғит миқдори, хусусан, пиёзни ўғитлаш, озиқа элементларни ҳосил миқдори ва сифати таъсирига оид адабиётлар ҳам шарҳланган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг якуний хулосаси сифатида турлича маданийлашган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг кимёвий таркиби, агрокимёвий ва тупроқ-милиоратив сифатига суғориш суви қалқиндининг таркиби, физикавий, кимёвий ва геокимёвий хусусиятлари таъсирини ҳамда унга боғлиқ ҳолда пиёз етиштириш агротехнологияси такомиллаштириш ва элементларнинг биогеокимёвий хусусиятлари ўзгариши етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Сур тусли қўнғир тупроқларнинг шакллантирувчи омиллари, тадқиқот обьекти ва усуслари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудуди географик жойлашуви, рельефи, геологик тузилиши ва она жинслари, иқлими, гедрогеологик шароитлари, ўсимлик дунёси ва инсон фаолиятининг тупроқ ҳосил бўлишига таъсир қўрсатувчи омиллар сифатидаги таҳлилий маълумотлари келтирилган.

«*Тадқиқот обьекти*» параграфида субтропик иссиқ ва қуруқ чўллари минтақаси Сўх конус ёйилмаси қия текисликларида, пролювиал жинслар устида шаклланган Фарғона вилояти Бағдод тумани «Дўстлик боғонлари» массиви «Бу Ойиша» фермер хўжалиги янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари (1/бағ, 2/бағ-кесмалар) ва Ўзбекистон тумани «Азизов» массиви «Сабир Манзура Омад» фермер хўжалиги эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари (3/ўз, 4/ўз-кесмалар) ҳамда пиёз (*Allium serpa L.*) нинг *Manas F1* дурагай нави тадқиқот обьекти сифатида танланган.

Тадқиқотнинг асосий методи тариқасида В.В.Докучаевнинг морфогенетик, кесма усули, шунингдек, М.А.Глазовская, А.И.Перельманлар томонидан тавсия этилган тизимли педогеокимёвий усуллари хизмат қилган. Тупроқнинг кимёвий, физикавий таҳлиллари «Агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқот усуллари», Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ёзувлари асосида ўтказилган. Тупроқ ва пиёз таркибидаги макро- ва микроэлементлар нейтрон-активацион усулда Ядро Физикаси институтида аниқланган. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар таркибидаги аминокислоталар A.Steven, Cohen Davel методи бўйича Фанлар академияси Биорганик кимё институтида бажарилган. Математик-статистик қайта ишлаш Б.А.Доспехов усулига таянган Ш.Каримов, F.Юлдашевларнинг компьютер дастурида олиб борилган.

Диссертациянинг «Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар хосса ва хусусиятлари» деб номланган учинчи боби «Морфогенетик белгилари, механик таркиби ва умумий физик хоссалари» параграфида тадқиқотлар мақсадига мувофик, суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфогенетик қатламларига тавсиф берилган. Ўзлаштирилиш даври, агротехник тадбир ва бошқа табиий-иқлим шароитига кўра сур тусли қўнғир тупроқлар янгидан ва эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларга ажратилган. Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар суғориш суви қалқиндиси механик таркиби боғлиқ ҳолда оғирлашиб бораётганлиги исботланган. Ўрганилган сур тусли қўнғир тупроқлар физик лой миқдори ҳайдов қатламларда 30,3-32,5% оралиғида тебраниб, ўрта қумоқли ҳайдов ости қатламлари ўрта ва енгил қумоқли бўлиб, физик лой миқдори 20,45-30,41% оралиғида ўзгаради. Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида йирик чанг (0,05-0,01 мм) устунлик қилиб, қуйи қатламларда йирик қум миқдори устунлик қилиши характерли ҳисобланади.

Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳайдов қатламларида скелетлилик 2,61-3,31% ўзгаради, янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда бу кўрсаткич 11,5-12,7% ни, яъни эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларга нисбатан ҳайдов қатлам 3,4-4,8 баробарга скелетлиги юқори ҳисобланади. Бу жиҳатдан янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар скелетли ҳисобланади. Скелет миқдори она жинсларида максималга бориб, 46,2-71,4% га етиб боради.

Сур тусли қўнғир тупроқларда кесма бўйлаб пастки қатламлар томон тупроқнинг ҳажм массаси ортиб борди ҳамда бу қонуният ғоваклилиқда ҳам сақланиб қолди. Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир (3/ўз, 4/ўз-кесма) тупроқларнинг ҳажм оғирлиги ҳайдов қатламларида $1,39-1,40 \text{ г}/\text{см}^3$ ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда $1,44-1,45 \text{ г}/\text{см}^3$ кўрсаткичга teng. Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда солиштирма масса $2,61-2,78 \text{ г}/\text{см}^3$, умумий ғоваклилиги 41,4-47,3% атрофида ифодаланган.

«Сур тусли қўнғир тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи» номли параграфида сур тусли қўнғир тупроқларнинг агрокимёвий хосса-

хусусиятлари келтирилган. Суғориш даври ортиб бориши билан қатlam қалинлиги ва гумус миқдори агроирригацион келтирилмалар ва дәхқончилик маданиятига боғлиқ равишда ортиб бориши кузатилди (1-жадвал).

Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг гумуси ва озиқа моддалари миқдорига қалқинди таркиби (гумус-1,544%) ўз таъсирини ўтказади. Пиёз етиштириш давомида сур тусли қўнғир тупроқларга ўртача 2,21 г/л лойқа чўкинди келиб ётади. Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларининг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларига нисбатан юқори. Буни ялпи ва ҳаракатчан фосфор ва калий миқдорларида ҳам кўриш мумкин.

Сур тусли қўнғир тупроқлар гумус билан паст таъминланган гурухга киради, гумусни азотга тўйинганлик даражаси эскидан суғориладиган тупроқларда юқори бўлиб, бу қонуният бутун кесма бўйлаб ўзгаришсиз қолди. Янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда C:N га кўра ҳайдов қатлам юқори, остки қатламлар эса ўртача тўйинган гурухга киради.

1-жадвал.

Сур тусли қўнғир тупроқларининг агрокимёвий тавсифи

Кесма т/р	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи, %			C:N	Ҳаракатчан, мг/кг	
			N	P	K		P ₂ O ₅	K ₂ O
Эскидан суғориладиган								
3/ўз	0-26	1,016	0,078	0,206	1,570	8,78	19,04	198
	26-42	0,732	0,073	0,142	1,164	6,76	10,02	196
	42-56	0,320	0,027	0,102	1,060	7,99	4,75	117
	56-70	0,219	0,023	0,098	0,840	6,45	4,01	188
4/ўз	0-26	0,791	0,079	0,163	1,780	6,75	14,47	169
	26-41	0,631	0,062	0,117	1,930	6,91	10,25	154
	41-56	0,254	0,030	0,076	1,690	5,75	6,21	109
	56-78	0,190	0,017	0,063	0,940	7,53	-	-
Янгидан суғориладиган								
1/бағ	0-22	0,599	0,057	0,120	1,210	7,08	17,35	145
	22-34	0,386	0,031	0,101	1,098	8,39	8,09	207
	34-55	0,159	0,013	0,086	0,870	8,24	-	132
2/бағ	0-21	0,617	0,060	0,108	1,159	6,93	16,05	142
	21-31	0,375	0,028	0,079	1,015	9,03	4,68	176
	31-48	0,138	0,010	0,052	0,707	9,30	-	129
Дарё лойкаси	Қалқинди	1,544	0,120	0,056	1,540	8,67	24,0	194

«Эркин аминокислоталарнинг миқдорлари ва кесма бўйича дифференциацияси» деб номланган параграфда сур тусли қўнғир тупроқларида эркин аминокислоталарнинг миқдори ва кесма бўйича табакаланиши келтирилган. Эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар таркибидан эркин аминокислоталар миқдори олинган натижаларга кўра эркин, яъни 20 та аминокислоталардан ўрганилган тупроқларни ҳамма генетик қатламларида аспарагин кислотаси, цистеин, треонин, аргенин, метионин, гистидин, лизинлар аниқланмади, ушбу аминокислоталар сур тусли қўнғир тупроқларни ҳосил бўлиши жараёнларида қатнашмайди. Умумий ҳолда аминокислоталар миқдори ўрганилган

тупроқларнинг генетик қатламларида 0,001-0,151 мг/т оралиқдаги катталикларда мавжуд бўлиб, фенилаланин ҳайдов қатламларда 0,021-0,019 мг/т бўлган ҳолатда, қуий 42-56 ва 22-34 см ларда бу қўрсаткич мос ҳолда 0,076, 0,151 мг/т ларни ташкил қиласди. Шунга яқин ҳолатлар аланин ва триптофанларда ҳам кузатилди. Глутамин эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов қатламида 0,006 мг/т, 42-56 см да 0,041 мг/т ташкил қиласди.

«Сур тусли қўнғир тупроқларнинг сувли сўрим таркиби» номли тўртинчи параграфида ўрганилган тупроқларнинг сувда осон эрувчи тузлар таркиби аниқланган бўлиб, ушбу тупроқларнинг шўрланишдаги характерли хусусиятларидан бири тупроқ қатламларидағи қуруқ қолдиқ миқдори бўлиб, у эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларида 0,160-0,418% оралиғида тебранади. Шу боис оналик жинс билан алоқада бўлган қатламларида кучсиз шўрланиш ифодаланган ҳамда янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларида эса қуруқ қолдиқ қатламлар бўйича 0,188-302% оралиғида тебранади ва кучсиз шўрланиш қуида намоён бўлаётганлигидан далолат беради. Хлор иони бўйича ҳам мавжуд таснифларга кўра шўрланмаган ҳисобланади. Хлор ионининг эквивалент миқдорини сульфатга нисбати (Cl/SO_4) 0,096-0,147 оралиғида ўзгаради, химизми сульфатли типга киради.

«Сингдирилган катионлар таркиби ва сингдириши сифими» ва «Сур тусли қўнғир тупроқларда карбонатлар ва гипс» деб номланган кейинги параграфларида сур тусли тупроқларнинг сингдириш сифими, катионлар таркиби, карбонатлар ва гипс миқдорлари ўрганилган бўлиб, сингдирилган катионлар, яъни асосларнинг суммаси эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳайдов 0-26 см қатламларида 8,0-8,05 мг-экв га teng. Ҳайдов ости қатламларида эса 6,47-6,67 оралиғида ўзгариб, зичлашган 42-55 см да эса 7,89 ни, она жинси устидаги қатламларда 4,94-6,06 ни ташкил қиласди. Янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов қатламида сингдирилган катионлар суммаси 6,51 мг-экв ни, она жинс томон камайиб боради. Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари сингдириш сифими юқори бўлиб, гумус ва ил миқдорларининг нисбатан кўплиги, қолаверса, агроиригацион қатламнинг шаклланиши ва бошқалар билан изоҳланади. Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларида карбонатлар 6,01-7,45% миқдорларда тарқалган. Янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда карбонатлар миқдори нисбатан кўпроқ, лекин тарқалиш қонунияти бир хиллиги кузатилди. Эскидан суғориладиган тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гипснинг миқдори 0,09-0,21% гача бўлиб, 42-55 ва 41-56 см ли қатламларда 8,85-9,20% гача ортиб боради. Янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳайдов қатламларида гипс миқдори эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларга нисбатан мос равишда 3,9-7,1 баробарга кўп.


Диссертациянинг «Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда макро, микро ва ультрамикроэлементлар геокимёси» деб номланган

түртінчи боби «*Сур тусли құнғир тупроқларда макроэлементлар геокимёси*» номли параграфида сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқларда Na, K, Ca, Ba, Sr, Fe макроэлементлари миқдори, геокимёсига лойқа чўқиндиси таъсирида ўзгариши, миграцияси, аккумуляцияси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

На элементининг миқдори янгидан сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқлар ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 11600 мг/кг бўлиб, қуий қатламларда 1,30% ни ташкил қиласди. Эскидан сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқларда 0,72-1,24% оралиғида ўзгаради. K тупроқларнинг генетик қатламларидаги дифференциацияси натрийни эслатади ва сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқларда 1,96-2,49% миқдорларда ўзгаради. Сур тусли құнғир тупроқларда K элементи литосфера кларкидан камлиги ва тупроқ кларкидан 1,5-1,9 марта кўп. Калийнинг аккумуляцияси сур тусли құнғир тупроқларда натрийга нисбатан юқорироқ миқдорларда эканлиги кузатилади. Бу жиҳатдан сур тусли құнғир тупроқлар ҳайдов қатламидаги миқдорига кўра Na ва K 1,8-2,0 маротаба тупроқ кларкидан устунлик қиласди. Ca ва Ba ларнинг тупроқлардаги аккумуляцияси ва дифференциацияси ўзаро яқин. Ca миқдори янгидан ва эскидан сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқларда кларк миқдоридан 2,0-5,9 баробар кўп ва кучсиз геокимёвий провинция ҳосил қиласди. Барий тупроқларнинг генетик қатламларида 780-1720 мг/кг оралиғида тарқалиб, кучсиз провинция ҳосил қиласди, асосий манба Сўх дарёси чўқиндиси (950 мг/кг) ҳисобланади.


Sr тупроқларда 125-200 мг/кг оралиғида тарқалган. Бу унинг етишмовчи провинциал ҳолатидан далолат беради. Сүфориш суви қалқиндисида ҳам бу ҳолат сақланади. Эскидан сүфориладиган сур тусли құнғир тупроқларда стронций (190-200 мг/кг) янгидан сүфориладиган тупроқларга нисбатан кўп.

Fe литосфера ва тупроқ кларклари алоҳида ажралиб туради, унинг тупроқ кларки 3,80% бўлган ҳолда ўрганилган тупроқлар ҳайдов қатламларида 1,87-2,87% атрофида тебранади, яъни 1,3-2,0 маротаба камлиги кузатилди, қуий қатлам томон ортади ва тупроқ она жинсида тупроқ кларкига тенглашади. Дарё суви лойқа қалқиндисида унинг миқдори 2,48% га teng. Макроэлементларнинг жойлашув кетма-кетлиги лойқа қалқиндида: Ca>Fe>K>Na>Ba>Sr кўринишида камаяди. Сур тусли құнғир тупроқларнинг генетик қатламларида ва қалқиндида Ca юқори, Ba ва Sr лар эса кам, қолган макроэлементлар оралиқ кўрсаткичларни эгаллайди. Ҳайдов қатламларда юқори концентрация кларки (KK) Ba ва Ca га, кичик KK Sr, Na га тўғри келади. Қолган элементлар бу кўрсаткичга кўра оралиқ ҳолатларни эгаллайди. Сур тусли құнғир тупроқларда Ba ва Ca ларни KK лари юқорилиги, Sr ва Na ларни эса паст эканлиги кўринади. Бу ҳолатлар уларнинг тупроқдаги миқдори ва литосфера кларклари ҳамда чўқинди таркиби билан боғлиқ. Кларк тақсимоти (Kt) тупроқ кларкига нисбатан темир ва стронцийда юқори бўлиб, тупроқларда мос равища 1,0-2,0 ва 1,5-2,5 оралиғида тебранади.



1-расм. Сур тусли қўнғир тупроқларда КК ларнинг геокимёвий спектри

«Сур тусли қўнғир тупроқларда биомикроэлементлар геокимёси» бўлимида элементар ландшафтда суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида геокимёвий ҳолатни асосан тупроқ элементар блокларида геокимёвий спектрларни излабади. Биомикроэлементларнинг ҳаракатчан ва ялпи шакллари миқдорига суғориш турли даражада таъсир кўрсатади (2-расм).



2-расм. Сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов қатламларида биомикроэлементларнинг геокимёвий спектри

Диссертациянинг «Микро- ва ультрамикроэлементларнинг дифференциацияси ҳамда концентрация кларки ва кларк тақсимоти» номли параграфларида суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ва лойка қалқиндисида марганец, молибден, мишъяқ, селен, симоб, хром, гафний, цезий, никель, скандий, рубидий, рух, кобальт, тантал, суръма каби микро- ва ультрамикроэлементларнинг миқдори (2-жадвал), КК ва Kt келтирилган.

Эскидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда микро- ва ультрамикроэлементлар ўзларининг КК лари қуйидаги қаторларни ташкил қиласди ва тупроқларнинг ҳайдов қатламида қуйидаги қўринишда жойлашади.

Тупроқ кларки бўйича КК:

$$\frac{\text{Se}}{10,0} > \frac{\text{Sb}}{9,17} > \frac{\text{As}}{2,60} > \frac{\text{Zn}}{2,10} > \frac{\text{Co}}{1,50} > \frac{\text{Sc}}{1,43} > \frac{\text{Cs}}{1,32} > \frac{\text{Mo}}{1,20} > \frac{\text{Rb}}{1,10} > \frac{\text{Hg}}{1,0}$$

бўлиб, Ni, Hf,

Mn, Cr, Та элементларининг миқдори тупроқ кларкидан камлиги аниқланди.

**Сур тусли қүнғир тупроқлар ва қалқинди таркибидан микро- ва
ультрамикроэлементлар мөндөри, мг/кг**

Элемент белгиси	Кларки		Эскидан сугориладиган			Янгидан сугориладиган			Лойка чүкинди
	литосфера	тупроқ	0-26	26-42	42-56	0-22	22-34	34-55	
Mn	1000	850	530	870	400	460	575	450	510
Mo	1100	2	2,4	3	0,1	1,6	8,5	2	3,6
As	1,7	5	13,0	14,0	8,6	9,1	12,0	8,8	13,0
Se	0,05	0,01	<0,1	<0,1	<0,1	<0,1	<0,1	<0,1	0,32
Hg	0,083	0,01	<0,01	<0,01	0,01	<0,01	<0,01	0,01	<0,01
Cr	83	200	57	43	46	41	54	51	54
Hf	1	6	3,8	3,9	3,6	4,3	5,1	4,2	4,6
Cs	3,7	5	6,6	5,3	5,8	4,2	6,8	7,9	6,3
Ni	58	40	36	10	26	19	26	36	26
Sc	10	7	10	8,8	9,5	6,7	11	9,9	8,6
Rb	150	100	110	84	92	74	105	110	84
Zn	83	50	105	80	77	69	99	100	94
Co	18	8	12	9,8	12	6,6	9,6	10	9,2
Ta	2,5	6	0,94	0,69	1,4	0,7	1,7	0,8	0,87
Sb	0,5	0,24	2,2	2,3	1,3	0,97	1,3	1,1	1,3

Литосфера кларки бўйича КК:

$$\frac{\text{As}}{7,65} > \frac{\text{Sb}}{4,40} > \frac{\text{Hf}}{3,80} > \frac{\text{Se}}{2,0} > \frac{\text{Cs}}{1,78} > \frac{\text{Zn}}{1,27} > \frac{\text{Sc}}{1,0}, \text{ қолган Rb, Cr, Co, Ni, Mn, Ta, Hg,}$$

Мо элементларининг КК литосферадаги мөндорига нисбатан камлигини кўрсатади.

Мишъяқ, суръма, гафний, рух, цезийлар нисбатан юқори концентрация кларкига эга ва генетик қатламларда 1,06-9,58 оралиғида тебранади. Янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов қатламида ушбу элементларининг КК қўйидаги қаторлар кўринишини олади.

Тупроқ кларки бўйича: $\frac{\text{Se}}{10,0} > \frac{\text{Sb}}{4,04} > \frac{\text{As}}{1,82} > \frac{\text{Zn}}{1,38} > \frac{\text{Hg}}{1,0}$, қолган Sc, Cs, Co, Mo,

Rb, Hf, Mn, Ni, Cr, Та элементларининг мөндори тупроқ кларкидан пастлиги аниқланди.

Литосфера кларки бўйича: $\frac{\text{As}}{5,35} > \frac{\text{Hf}}{4,30} > \frac{\text{Se}}{2,0} > \frac{\text{Sb}}{1,94} > \frac{\text{Cs}}{1,14}$, қолган Zn, Sc, Cr,

Rb, Mn, Co, Ni, Ta, Hg, Mo элементларининг мөндори литосфера кларкидан кичиклиги кузатилди.

Лойка қалқиндида тупроқ кларкига нисбатан:

$$\frac{\text{Se}}{32,0} > \frac{\text{Sb}}{5,42} > \frac{\text{As}}{2,60} > \frac{\text{Zn}}{1,88} > \frac{\text{Mo}}{1,88} > \frac{\text{Cs}}{1,26} > \frac{\text{Sc}}{1,23} > \frac{\text{Co}}{1,15} > \frac{\text{Hg}}{1,0} \text{ ва Rb, Hg, Ni, Mn, Cr,}$$

Та нинг концентрацияси пастлигини кўрсатади.

Литосфера кларкига нисбатан эса:

$$\frac{\text{As}}{7,65} > \frac{\text{Se}}{6,4} > \frac{\text{Hf}}{4,60} > \frac{\text{Sb}}{2,60} > \frac{\text{Cs}}{1,70} > \frac{\text{Zn}}{1,13} \text{ га тенг бўлиб, Sc, Cr, Rb, Co, Mn, Ni, Ta,}$$

Hg, Mo элементлари концентрацияланмайди.

Диссертациянинг «*Сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда олтин, лантаноид, актиноидлар миграцияси*» бўлимида эскидан ва янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда Au, Ce, Nd, Sm, Eu, Tb,

Yb, Lu, Th, U ларнинг микдорлари ва хоссалари ёритилган. Олинган натижаларга кўра энг юқори кўрсаткич янгидан ва эскидан сугориладиган тупроқларнинг генетик қатламларида 46-140 мк/кг оралиғида тебранади. Бошқа кўрсаткичлар 46-71 мг/кг ўртасида бўлиб, бу катталиклар церийни тасвирлайди. Лантан микдори 33-60 мг/кг ўртасида бўлиб, бунда ҳам унинг максимал, яъни 60 мг/кг микдори янгидан сугориладиган тупроқларни 48-65 см га тўғри келади.


Камёб элементлар қаторидан ўрин олган La, Ce, Nd, Sm, Eu, Yb, Tb, Lu элементларининг концентрация кларклари 0,10-4,8 оралиғида тебранади. Бу ўринда La, Yb бошқаларидан яққол ажралиб турди ва булар литосферага нисбатан бироз концентарцияланади ва 1,14-4,8 кларкларни ташкил қиласди. Бошқаларининг кларклари бирдан кичик. U ва Th бир гурухда, яъни радиоактив элементлар қаторида турди, мос равишда микдорий жиҳатдан 0,61-3,88 кларкларни ташкил қиласди.

Тупроқлар генетик қатламлари таркибидаги кларкларининг тақсимотида ҳам шу қонуният камёб ва радиоактив элементлар учун кичик-кичик фарқлар билан қайтарилади. Аммо тадқиқ этилган элементлар эскидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг 42-56 см қатламидаги концентрация кларклари янгидан сугориладиган тупроқлардаги микдорларидан камлиги билан ажралиб турди.

Диссертациянинг «**Сур тусли қўнғир тупроқларда пиёзниңг биогеокимёвий хусусиятлари ва агробиологияси**» деб номланган бешинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, «*Пиёзниңг кимёвий таркиби ва сингдирилган элементлар дифференциацияси*» параграфида Na, K, Ca, Fe, Ba, Cl, Sr, Ni, Cr, Sc, Co, Sb, Cs, Mn, Sm, Mo, Lu, U, Le, Yb, Au, Br, La, Ce, Se, Hg, Te, Th, Hf, Rb, Zn, Ta, Eu каби элементларни эскидан ва янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда етиштирилган пиёзниңг барги, бош пиёз, илдизидаги микдорлари, дефференциация ва биогеокимёвий хусусиятлари ўрганилган. Пиёз базипетал ўсимлик бўлиб, яъни унинг ер ости илдиз қисмида элементларнинг микдори ер устки барги ва бош пиёзга нисбатан кўп сингдириши исботланган.

Сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда етиштирилган пиёз таркибida Ca-1530-5360 мг/кг, K-10400 мг/кг, Na-540-1360 мг/кг, Fe-34-73 мг/кг ни ташкил қиласди. Бу элементлар сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳайдов қатламларида ҳам юқори қийматларда: кальций-39900-55800 мг/кг, темир-18700-28700 мг/кг, калий-22900-23000 мг/кг, натрий-11600-12400 мг/кг гача ўзгаради. Ҳар икки худуддаги бош пиёзда калий микдори 1,04% ни ташкил қилиб, барг ва илдизга нисбатан мос равишда 1,6-1,7, 2,1 баробар кам. Илдизда калий 1,12% кўп тўпланади. Натрий микдори тупроқда 0,002-3,42% бўлган тақдирда қишлоқ хўжалиги экин учун меъёрий микдор кўрсаткичи бўйича ўрганилган тупроқларда Na микдори 1,2-1,63% оралиғида тебранади. Демак, меъёр юқори чегараси 0,04-10,3%. Қуйи рухсат этилган чегара 0,04-4,15%, бу рухсат кўрсаткичига жавоб беради. Демак, бу кўрсаткичларга кўра ўрганилган тупроқлар пиёз экиш талабига жавоб беради. Биологик сингдириш коэффициенти (БСК) га кўра Na ҳар икки гуруҳ

тупроқларда пиёз илдизида биологик түплөвчи деб баҳолаш мүмкин, яни БСК 1,05-1,37 ги тенг. Пиёз (*Allium сера L.*) органлари таркибида Cr элементи 0,47-0,35 мг/кг, Co 0,055-0,0031 мг/кг, Sc 0,017-0,0086 мг/кг, Cs 0,028-0,012 мг/кг, Sb 0,02-0,015 мг/кг ни ташкил қилди. Sc ва Cr лар эскидан суғориладиган сур тусли құнғир тупроқларда етиштирилаётган пиёзниң илдизи таркибида янги суғориладиган сур тусли құнғир тупроқлардаги пиёзниң илдизи таркибига нисбатан 2 баробар күп түпланиши, бу ҳолат Cs элементида ҳам нисбатан паст күрсаткичларда сақланиб қолади. Co ва Sb янгидан суғориладиган тупроқлар шароитида пиёз илдизида аккумуляцияланиши, бунда Sb 6 мартагача күп сингдирилиши ва бу күрсаткич рухсат этилган мөйердан ошмаслигини күрсатади. Янги суғориладиган сур тусли құнғир тупроқларда пиёзбоши таркибида Cr, Sc, Co, Sb ва Cs миқдорлари күплиги аниқланды. Үсимлик баргидә эса ўрганилган микроэлементлар миқдори деярли бир-бирига яқинлиги күзатылды.



3-расм. Пиёз (*Allium сера L.*) органларида микроэлементлар миқдори геокимёвий спектри

Суғориладиган сур тусли құнғир тупроқлар билан пиёз таркибидаги тарқоқ элементлар ўртасидаги корреляция коэффициенти янгидан суғориладиганда 0,75-0,99 дан, эскидан суғориладиганды 0,87-0,97 гача ўзгариб боради. Кучли алоқадорлық Cr, Co, Sc, Cs элементлары түғри келди, Sb нисбатан паст күрсаткичли алоқада бўлди. Умумий ҳолатда пиёз баргидә ўрганилган элементлардан кам миқдор Au, Tb, Ta ларга, күп миқдорлар эса Mn, Zn, Rb, Br ларга түғри келди. Қолган элементлар оралиқ күрсаткичларда аниқланды.

«Суғориладиган сур тусли құнғир тупроқларда пиёзниң биологик сингдириши коэффициенти» номли параграфда эскидан ва янгидан суғориладиган тупроқларда ўстирилған пиёз органларида биологик сингдириш коэффициенти (БСК) ҳисобланған. БСКни бош пиёзда күрадиган бўлсак, бу күрсаткичга кўра фақат Au ва симобда БСК=1, яни катта эмас. Лекин янгидан суғориладиган сур тусли құнғир тупроқларда Au БСК=2,0 га, яни 1,0 дан катта, демак, биологик түплөвчи ҳисобланади. Бошқа ҳолатларда бу икки гурӯҳ тупроқларда етиштирилған бош пиёз БСК лари ўзаро яқин, яни БСК<1 ни ташкил қиласди. Илдизида пиёзниң бошқа органларидан сезиларли ортиқ. Масалан, янгидан суғориладиган сур тусли құнғир тупроқларда пиёз илдизида Lu БСК=5,6, яни баргдан 5,6 баробар

юқори. Олтин БСК=3,0, яъни баргдан 3 баробар юқори. Селенда бу күрсаткич 2,4 баробар юқори. Эскидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда етиштирилган пиёзда элементлар миқдорлари ўзаро яқин бўлиб, Lu бироз юқори. Пиёзнинг илдизи орқали Au, Lu, Se лар бошқа элементларга нисбатан кўпроқ сингдирилади. Лекин уларнинг миқдорлари асосий саналадиган бош пиёзда юқори эмас.

Диссертациянинг «*Сур тусли қўнғир тупроқларда бошиёз етиштиришинг агротехнологияси*» ҳамда «*Сур тусли қўнғир тупроқларда пиёз етиштиришинг иқтисодий самарадорлиги*» параграфларида пиёз ўсимлигини етиштиришда ресурстежамкор технология қўлланилган. Бунда июнь, июль ҳамда август ойларида Сўх дарёси сувлари оқизинди лойқалиги ҳамда лойқа билан келиб ётадиган озиқа моддалар (NPK) миқдори сезиларли таъсир кўрсатиши ҳисобига, минерал ўғитлар меъёри камайтирилган.

Олинган натижаларга кўра, янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда ўртача 3 йиллик ҳосилдорлик 347 ц/га бўлган тақдирда ўртача соф даромад 391799 сўм/т ни, рентабеллик 44% га, эскидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда 3 йиллик ўртача ҳосилдорлик 401 ц/га бўлиб, соф даромад 463176 сўм/т, рентабеллик эса 51% ни ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Пролювиал она жинслар устида, автоморф шароитда шаклланган сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар антропоген омил таъсирида ташқи морфологик белгилари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларда ўзгариши, қуйидаги ўтувчи қатламларда сур тусли қўнғир ранг сақланиб, аниқ намоён бўлиши билан тавсифланади. Ўзлаштириш даври, гипсометрик баландлиги ва сугориш суви қалқиндисига боғлиқ ҳолда сур тусли қўнғир тупроқлар механик таркиби оғирлашиб боради.

2. Эскидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида йил давомида сугориш суви билан бир гектар майдонга 18,564 тонна лойқа қалқинди келиб ётиши аниқланди. Бу кўрсаткич янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда 29,835 тоннани ташкил қиласди. Лойқа қалқиндилар билан эскидан ва янгидан сугориладиган бу тупроқларда мос ҳолда 446, 716 кг/га ҳаракатчан фосфор, 3601, 5788 кг/га алмашинувчи калий келиб ётади.

3. Суформа дехқончилик билан боғлиқ антропоген жараёнлар гумус миқдори ҳамда ялпи калий кларк концентрациясининг ошишига олиб келади. Янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар гумус билан кам таъминланган гурухга кириб, сугориш давомлилиги ортиши билан ўртача таъминланган гурухга ўтади, бу юқори даражада таъминланган чўкинди билан боғлиқ.

4. Цистеин, треонин ва метиониндан ташқари бошқа эркин мономинокарбон, ароматик кислоталар, пролин сур тусли қўнғир тупроқлар ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этади. Эскидан ва янгидан сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳайдов қатламларида эркин мономинокарбон

кислоталари суммаси суғориш давомлилигига боғлиқ ҳолда камайиб мос равища 0,059 ва 0,266 мг/г ни ташкил қиласи.

5. Сүх дарёси суви қалқиндиши таркибиға боғлиқ ҳолда суғориш таъсирида сур тусли қўнғир тупроқларда Ca, Ba, Sb, As, La, Yb, U ли кучсиз геокимёвий провинция ҳосил бўлиши кузатилди. Сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида суғориш давомлилиги ортиши билан кимёвий элементлар концентрациясининг ортишига олиб келади.

6. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар оғир металлар билан кучсиз ифлосланиши кузатилади, бу суғориш сувларининг сув-миграцион, пиёз етиштиришда антропоген омил таъсиридаги техноген-транслокацион миграциясига боғлиқ. Пиёз ўсимлигига кучсиз ифлосланиш ер ости илдиз қисмига тўғри келади, пиёзбошда эса кузатилмади, бу уни танлаб сингдириш қобилияти билан боғлиқ.

7. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда етиштирилган пиёзниң Manas F1 нави элемент таркиби, биологик сингдириш хусусиятига кўра базипетал ўсимликлар қаторидан жой олади. Биологик сингдириш коэффициентига кўра Au, Se, Lu лар биологик тўпланувчи гурухга, Mn, Sm, Mo, U, Yb, Br, As, La, Ce, Tb, Th, Hf, Rb, Zn, Ta, Eu лар эса ушланиб қолувчи элементлар гурухига киради. Биологик сингдириш коэффициенти кўрсаткичлари эскидан ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда етиштирилган пиёзда ўзаро яқинлиги аниқланди.

8. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ва пиёз таркибидаги Cr, Ce, Sc, Cs миқдорлари ўртасидаги корреляцион коэффициенти 0,87-0,97 оралиғида ўзгариб, яхши ва жуда яхши, Sb да алоқадорлик паст. Тупроқ ва пиёз таркибидаги элементлар миқдори, уларнинг миграцияси ва аккумуляцияси ҳамда биогеокимёвий хусусиятлари мониторинги орқали суғориладиган майдонларда етиштирилладиган экинларнинг кимёвий элемент таркибини баҳолаш, ҳосил миқдори ва сифатини яхшилаш, экологик соғ маҳсулот олиш имконини беради.

9. Сур тусли қўнғир тупроқларда пиёз етиштириш бўйича тайёрланган тавсияномадан чўл минтақаси суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш сувларидан илмий асосда мақсадли фойдаланиш, деградация жараёнларини камайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини ўғитлаш бўйича тадбирлар белгилашда фойдаланиш тавсия этилади.

10. Эскидан суғориладиган ва янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари ва пиёз (*Allium сера L.*) ўсимлигига Mn, Na, K, Sm, Mo, Lu, U, Yb, Au, Nd, As, Ca, La, Ce, Se, Hg, Tb, Th, Cr, Hf, Ba, Sr, Cs, Ni, Sc, Rb, Zn, Co, Ta, Fe, Eu, Sb ва бошқа кимёвий элементларнинг миқдорлари, биогеокимёвий хусусиятлари худуд тупроқлари ва пиёз ўсимлигини тавсифлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик-мелиоратив мониторинг ишларини олиб бориш, экологик тоза, сифатли ҳосил етиштиришда фон материал сифатида тавсия этилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКИРОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Исомиддинов З.Ж., Исагалиев М.Т., Юлдашев Г. Биогеохимические особенности серо-бурых почв и лука. //Научное обозрение. Биологические науки. Москва. №1. 2022. 22-27 б. (03.00.00; №23).
2. Исагалиев М., Исомиддинов З. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар биогеокимёси. //ФарДУ илмий хабарлари. Фарғона, №5. 2019. 51-57 б. (02.00.00; №17).
3. Исагалиев М., Исомиддинов З. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар морфологияси ва агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши. //НамДУ илмий ахборотномаси. Наманган, №8. 2020. 29-33 б. (03.00.00; №17).
4. Исомиддинов З. Сур тусли қўнғир тупроқлари ва пиёзда (*Allium serpa* L.) темир (Fe) элементи. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива. №2. 2021. 20-22 б. (03.00.00; №23).
5. Исагалиев М.Т., Исомиддинов З.Ж., Исақов В.Ю. Пиёз (*Allium Serpa* L.) биогеокимёси ва биологик сингдириш коэффициенти. //Қўқон ДПИ илмий хабарлар журнали. №2. 2021. 23-27 б. (03.00.00).

II бўлим (II часть; II part)

6. Исагалиев М., Исомиддинов З., Таджибаева Л. Сур тусли қўнғир тупроқлар концентрация кларки ва кларк тақсимоти. //Ҳозирги замон тупроқшунослик ва дехқончилик муаммолари Республика илмий анжумани материаллари тўплами. 2019. Фарғона, 30-32 б.
7. Исагалиев М., Исомиддинов З. Сур тусли қўнғир тупроқлари шароитида сабзавотчиликни ривожлантириш истиқболлари. //Ўзбекистон фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими «Замонавий Ўзбекистон ҳолатида фан ва инновация» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман. Нукус. 2020. 148 б.
8. Исомиддинов З. Сур тусли қўнғир тупроқлари биологик сингдириш коэффициенти. «Инновацион ғоялар, ишланмалар амалиётга: муаммолар ва ечимлар» мавзусида масофавий онлайн халқаро илмий-амалий анжуман. Андижон. 2020. 123-126 б.
9. Юлдашев Г., Исагалиев М.Т., Абдухакимова Х.А., Исомиддинов З.Ж. Проблемы мониторинга элементов в орошаемых почвах. //Аграрная наука – Сельскому хозяйству: сборник материалов: в 2 кн. /XV Международная научно-практическая конференция. (12-13 марта 2020 г.) Барнаул: РИО Алтайского ГАУ, 2020. Кн.1. 429-432 с.
10. Исагалиев М., Исомиддинов З. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларининг агрокимёвий хоссаларини ўзгариши. //“Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусидаги Республика

миқёсидаги хорижий олимлар иштирокида онлайн илмий-амалий анжуман. Бухоро. 2020. 69-72 б.

11. Исомиддинов З. Сур тусли қўнғир тупроқлари ва пиёз (*Allium Cepa L.*) нинг элемент таркиби. «Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусидаги республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокида онлайн илмий-амалий анжуман. Бухоро. 2020. 399-400 б.

12. Исомиддинов З. Тупроқ-пиёз тизимида кимёвий элементлар тадқиқотлари таҳлилига оид. «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион технологияларни жорий этиш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн анжумани материаллари. Фарғона. 2021. 291-299 б.

13. Isomiddinov Z.J. Absolution Capacity of Irrigated Gray-Brown Fulvous Soils. //International Conference on Multidisciplinary Research and Innovative Technologies [/ 2021](#). 267-268 pp.

14. Isagaliev M.T., Isomiddinov Z.J. Biogeochemistry of the onion (*Allium cepa L.*) in irrigated soils. //Journal of Natural Remedies Vol. 21, No. 12(2), (2021) 9-17 б.

15. Исағалиев М., Исомиддинов З. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда пиёз (*Allium cepa L.*) етиштириш бўйича тавсиянома. Фарғона-2021. 28 б

Автореферат Фаргона давлат университети адабиётшунослик кафедраси
қошидаги илмий марказ томонидан таҳрирдан ўтказилди.